



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АҲОЛИСИ ВА КОРХОНАЛАРИ
ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРИ
2018 йил I чорак**

Тошкент 2018 й.

МУНДАРИЖА

ИҚТИСОДИЁТДАГИ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТ	3
ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР БЎЙИЧА СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ	8
I. Сўров иштирокчилари таркиби	8
II. Ўтган даврда сезилган инфляцияни ўрганиш натижалари	9
III. Инфляция сабабларини ўрганиш натижалари	12
IV. Инфляцион кутилмаларни ўрганиш натижалари	14
V. Аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижалари	17
VI. Аҳолининг жамғариш кайфиятини ўрганиш натижалари	18
VII. Келгусида иқтисодиётда ўзгаришлар кутилмаси бўйича саволлар натижалари	19

ИҚТИСОДИЁТДАГИ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Инфляцион кутилмани ўрганиб бориш халқаро амалиётда кенг тарқалган бўлиб, марказий банклар томонидан пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кенг фойдаланилади.

Инфляцион кутилма – бу аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан келгусида иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдаланилиши кўзда тутилаётган инфляция даражаси түғрисидаги тахминлардир.

Иқтисодиётда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўзларининг келажақдаги молиявий режаларини шакллантириш, маҳсулотларга нарх белгилашда инфляцион кутилмалардан келиб чиқадилар ва бу нархлар шаклланишига таъсир қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, иқтисодиётда инфляцион кутилмани баҳолаш, унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг асосиз ўсишининг олдини олиш мақсадида Марказий банк томонидан 2018 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида мунтазам равишда ягона саволнома асосида сўровлар ўтказиб бориш амалиёти жорий этилди.

Мазкур сўровлар жорий йилнинг январь, февраль ва март ойларида юзма-юз савол жавоб тарзида амалга оширилди ва келгусида ушбу амалиёт ҳар ойда ўтказиб борилади.

Сўровларда ҳар ойда республика бўйича жами 750 нафар жисмоний шахс ва 300 та юридик шахс иштирок этди. Шундан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 50 нафардан жисмоний ва 20 тадан юридик шахс ҳамда Тошкент шаҳридан 100 нафар жисмоний ва 40 та юридик шахс фикри ўрганилди.

Бунда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ўтган даврларда **сезилган инфляция даражаси** унга таъсир қилган омиллар, **келгуси давр учун инфляцион кутилма** ва истеъмол кайфияти баҳоланди.

Март ойида ўтказилган сўровларда иштирок этган аҳолининг **64 фоизи** ўтган ойда нархларнинг сезиларсиз ошганлигини ёки ўзгармаганлигини қайд этишди. Ушбу кўрсаткич январь ойида 31 фоизни ва февраль ойида 50 фоизни ташкил этган (2-расм).

Жорий йилнинг февраль ва март ойларида республикамиз бозорларида истеъмол маҳсулотлари нархларининг мўътадиллашуви натижасида сўровда иштирок этган респондентларнинг 11 фоизи ўтган ойда нархлар пасайди, деб таъкидлаган (2-расм).

Аҳолининг охирги уч ойда кузатилган инфляция даражаси бўйича ҳам хуносалари ижобий томонга ўзгармоқда. Хусусан, январь ва февраль ойларида охирги уч ойда нархлар “юқори даражада ошди” ёки “аввалги ойлар билан бир хилда ошди” деб ҳисоблаган респондентлар улуши мос равишда **74** ва **64** фоизни ташкил этган бўлса, март ойида ушбу кўрсаткич **42** фоизгача пасайди. Бу ўз навбатида, ўтган йилнинг тўртинчи чорагида иқтисодиётда кузатилган юқори инфляция босими жорий йилнинг биринчи чорагида пасайганлигидан дарак беради (3-расм).

Аҳолининг ўтган ўн икки ойлик инфляция даражаси бўйича март ойидаги сўровда билдирган фикри ўтган ойларга нисбатан пасайган бўлса-да, умуман олганда юқорилиги сақланиб қолди ва респондентларнинг **56** фоизи (январь ва февраль ойларида 68 фоиз) охирги ўн икки ойда нархлар ўтган йилларга нисбатан юқори ошганлигини билдиришди (4-расм).

Шу ўринда юқоридаги саволга қўшимча равишда охирги ўн икки ойда нархлар айнан қанчага ошганлиги сўралганда, март ойида респондентларнинг **43** фоизи (январь ойида 59 фоиз, февраль ойида 55 фоиз) ўтган ўн икки ойда нархлар ошиши 21 фоиз ва ундан юқори бўлди, деб эътироф этишди (5-расм).

2018 йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг тўртинчи чорагига нисбатан инфляция босимининг пасайиши иқтисодиётда охирги ўн икки ойда нархлар юқори ошишига таъсир қилган асосий омиллар таркибининг ўзгаришига олиб келди.

Хусусан, аҳоли орасида март ойида ўтказилган сўровларда ўтган ўн икки ойдаги инфляция даражасига валюта алмашув курси девальвацияси юқори таъсир қилди, деб ҳисоблаган респондентлар улуши январь ойига нисбатан қарийб 3 фоиз бандга пасайиб, 65 фоизни, коммунал тўловлар улуши эса 8 фоиз бандга камайиб,

41 фоизни, транспорт харажатлари улуши қарийб 25 фоизга пасайиб, 24 фоизни ташкил этди (8-9-расмлар).

Ўтган йилда кузатилган нисбатан юқори даражадаги инфляция аҳоли харид қобилиятига мос равишда таъсир кўрсатди ва бу ҳолат жорий йилнинг биринчи чорагида ўтказилган сўровларда ҳам ўз аксини топди. Хусусан, март ойидаги сўровда иштирок этган жисмоний шахсларнинг **69 фоизи** ўтган ўн икки ойда нархлар уларнинг даромадларига нисбатан юқори ошганлигини маълум қилишди (17-расм).

Жорий йилнинг биринчи чорагида сезилган инфляция даражаси бўйича юридик шахсларнинг фикри мунтазам равишда пасайиб борди.

Февраль ва март ойларидаги сўровларда иштирок этган тадбиркорлик субъектларининг мос равишда **65** ва **60** фоизи (январь ойида 29 фоиз) олдинги ойларда нархларнинг сезиларсиз ошгани ёки ўзгармаганлигини қайд этишди (6-расм).

Жорий йилнинг биринчи чорагида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сезилган инфляция даражасининг тобора пасайиб бориши ўз навбатида, иқтисодиётда инфляцион кутилмаларнинг пасайишига таъсир кўрсатди.

2018 йилнинг апрель ойида аҳоли учун электроэнергия ва табий газ нархлари оширилиши олдиндан маълум қилинганлигига қарамасдан, март ойида сўровда иштирок этган респондентларнинг **62 фоизи** (январда 44 фоиз, февралда 46 фоиз) келгуси ойда нархлар сезиларсиз ошиши, ўзгаришсиз қолиши ёки пасайиши мумкинлигини билдириб ўтишган (11-расм).

Аҳолининг келгуси ўн икки ойдаги инфляция даражаси бўйича кутилмаси март ойида ўтган ойларга нисбатан сезиларли пасайди. Хусусан, келгуси ўн икки ойда нархлар ўсиши даражаси **13 фоиздан** паст бўлишини таъкидлаган респондентлар улуши **13** фоиз бандга ошиб, **40 фоизни** ташкил этган бўлса, **21 фоиздан** юқори бўлади, деб ҳисоблаганлар улуши **15** фоиз бандга пасайиб, **28 фоизни** ташкил этди (14-расм).

Жорий йилнинг биринчи чорагида кузатилган макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодиётда рақобат муҳитининг яхшиланиши юридик шахсларнинг инфляцион кутилма бўйича фикрларининг кескин яхшиланишига олиб келди.

Хусусан, март ойида сўровда иштирок этган тадбиркорлик субъектларининг **44 фоизи** (январда 30 фоиз) келгуси ўн икки ойда инфляция даражаси 13 фоиздан паст бўлишини қайд этдилар (14-расм).

Иқтисодиётда инфляцион кутилма пасайиб бораётганлигига қарамасдан, аҳолининг келгуси ўн икки ойда даромадлари ва нархлар ошиши ўртасидаги номутаносиблик сақланиб қолиши бўйича кутилмалар юқори даражада қолмоқда (18-расм).

Ўз навбатида, сўровларда иштирок этган юридик шахсларнинг катта қисми (январда 51 фоизи, февралда 46 фоизи, мартда 49 фоизи) келгуси ўн икки ойда иш ҳақи миқдори **10 фоиздан 20 фоизгача** оралиқда ошиши мумкинлигини билдириб ўтишган (21-расм).

Март ойида ўтказилган сўровлар натижалари аҳоли орасида тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи юқорилигини кўрсатди. “Агар сизда жамғармангиз бўлганда (ёки ҳозир бор) қандай мақсадларда ишлатишни ҳоҳлардингиз” деган саволга сўровда иштирок этган аҳолининг **55 фоизи** тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида ишлатишни маълум қилган (19-расм).

Миллий валютадаги маблағлар бўйича банк фоиз ставкаларининг, чет эл валютасидаги маблағлар ставкасига нисбатан жозибадорлиги сўровлар натижаларида ҳам ўз аксини топди. Хусусан, респондентларнинг катта улуши миллий валютадаги жамғармаларини банқда сақлашни, аксинча чет эл валютасидаги жамғармаларини нақд кўринишида сақлаш маъқуллигини билдиришди (20-расм).

Иқтисодиётда узоқ муддатли инфляцион кутилманинг пасайиши банк фоиз ставкалари бўйича кутилмаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Жумладан, март ойида сўровда иштирок этган юридик шахсларнинг **63 фоизи** (январь 56 фоиз, февраль 35 фоиз) келгуси ўн икки ойда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз ставкалари 20 фоиздан паст бўлишини кутишмоқда (22-расм).

2018 йилнинг биринчи чорагида валюта алмашув курсининг барқарорлашиши ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларнинг 2018 йил иккинчи чорагида кутилаётган алмашув курси бўйича кутилмаларининг пасайишига ижобий таъсир кўрсатди.

Март ойида сўровда иштирок этган юридик шахсларнинг **73 фоизи** (январда 61 фоиз, февралда 60 фоиз) 2018 йилнинг иккинчи чорагида алмашув курси 8300 сўмдан паст бўлишини тахмин қилган бўлса, **39 фоизи** (январда 23 фоиз, февралда 19 фоиз) 8000-8200 сўм оралиғида бўлиши кутилаётганлигини маълум қилдилар (23-расм).

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш келажаги бўйича кутилмалари сўров ўтказилган барча ойларда юқорилигича сақланиб қолди (24-расм).

ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР БҮЙИЧА СҮРОВ НАТИЖАЛАРИ


Усул	Ўзбекистон аҳолиси ва ташкилотлари орасида стандартлаштирилган юзма-юз сўров
Жами иштирокчилар	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида жами 750 нафар жисмоний шахслар ва 300 та юридик шахслар
Сўров ўтказилган муддат	2018 йил 1 чорак

I. Сўров иштирокчилари таркиби


1-расм

Сўров респондентларининг фаолият соҳаси (фоизда)

а) жисмоний шахслар



б) юридик шахслар




II. Ўтган даврда сезилган инфляцияни ўрганиш натижалари

Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўровлар натижалари

2-расм

Нима деб ўйлайсиз ўтган ойда нархлар ўзгардими?


Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши



3-расм

Сизнингча охирги 3 ойда нархлар ўзгардими?


Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши



4-расм

Нима деб ўйлайсиз охирги 12 ойда нархлар қандай ўзгарди?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



5-расм


Сизнинг фикрингизча, охирги 12 ойда нархлар қанчага ошди?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари**6-расм****Нима деб ўйлайсиз ўтган ойда нархлар ўзгардими?**

Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши

**7-расм****Сизнинг фикрингизча, охирги 12 ойда нархлар қанчага ошди?**

Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши




III. Инфляция сабабларини ўрганиш натижалари

Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

8-расм


Сизнинг кузатишларингиз бўйича қайси асосий товар ва хизматларнинг нархи охирги ойда юқори даражада ошиди?

Ушбу саволда респондентлар бир нечта маҳсулотни танлаш имкониятига эга



Нима деб ўйлайсиз охирги 12 ойда нархларнинг тезроқ ошишига нима сабаб бўлмоқда?


Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга



Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

Сизнинг кузатишларингиз бўйича маҳсулотингиз (хизматингиз) таннархи ошишига таъсир кўрсатуви қайси омиллар охирги ойда юқори даражада ошди (ўзгарди)?

Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга




IV. Инфляцион кутилмаларни ўрганиш натижалари

Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

11-расм

Нима деб ўйлайсиз келгуси ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



12-расм

Сизнингча келгуси 3 ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



13-расм

Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда умуман олганда нархлар қандай ўзгаради?


Сўровда жами иштирок этғанлардан фоиздаги улуши




14-расм

Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда нархлар айнан қанчага ошади?

а) жисмоний шахслар




б) юридик шахслар




■ 13% ёки ундан кам ■ 14%дан 20%гача ■ 21% ва ундан юқори

Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари**15-расм****Сизнингча келгуси ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши

**16-расм****Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда нархлар қандай ўзгаради?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




V. Аҳолининг харид қобилятини ўрганиш натижалари

17-расм

Қуийда айтилганларнинг қайси бири охирги 12 ойда Сизнинг даромадларингиз ва нархлар ўзгариши ўртасидаги муносабатларга кўпроқ мос тушади?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



18-расм

Нима деб ўйлайсиз келгуси 12 ойда Сизнинг даромадларингиз ва нархлар ўртасидаги мутаносиблик қандай бўлади?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




VI. Аҳолининг жамғариш кайфиятини ўрганиш натижалари

19-расм

Агар Сизда жамғармангиз бўлганда (ёки ҳозир бор) уни қандай ишлатишни хохлаган бўлардингиз?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши (март 2018 й.)



20-расм

Нима деб ўйлайсиз ҳозирги пайтда жамғармани қанақа шаклда сақлаган мақул?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши (март 2018 й.)



VII. Келгусида иқтисодиётда ўзгаришлар кутилмаси


бўйича саволлар натижалари

Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

21-расм

Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда иш ҳақи қандай ўзгаради?


Сўровда жами иштирок этғанлардан фоиздаги улуши



22-расм

Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда тижорат банкларининг кредитлари ставкаси қандай ўзгаради?


Сўровда жами иштирок этғанлардан фоиздаги улуши



23-расм

Сизнинг фикрингизча келгуси чорак охирида (2018 йил июнь охирида) сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси қанча бўлади?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



24-расм

Нима деб ўйлайсиз келгуси 12 ойда мамлакат иқтисодиёти яхшиланадими ёки ёмонлашадими?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши

